O'ZBEKISTON RESP... MILLIY... INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
6 IYUL
SHANBA
№ 84 (26.943)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

5 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Германиянинг федерал иқтисодиёт ва технология вазирлиги давлат котиби Аксел Герлахни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, А.Герлах вакили бўлган вазирликнинг Ўзбекистон — Германия иқтисодий муносабатлари ривожида улкан ҳиссаси борлигини таъкидлади.

Германия Ўзбекистонда қўшма корхона очиш борасида Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида иккинчи ўринда туради. Ҳозир мамлакатимизда 138 та Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. «Сименс», «Даймлер-Крайслер», «БАСФ», «Тиссен Крупп», «Люфтганза», «Алкател» каби жами 55 фирма ва компанияси, тўрт йирик банки — «Дойче банк АГ», «Банкгезельшафт Берлин», «Коммерцбанк АГ» ва «Дрезднер банк» мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

***

Шу куни Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари Виктор Христенкони ҳам қабул қилди. Суҳбат чоғида мамлакатларимизнинг иқтисодий ҳамкорлиги тобора юксалаётгани қайд этилди. Томонлар бу жабҳадаги алоқалар кўламини янада кенгайтиришдан икки мамлакат ҳам манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Ўтган йили Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард АҚШ долларига етган эди. Бу миқдорни янада ошириш учун икки мамлакатда ҳам салоҳият етарли. Бундан ташқари, Ўзбекистон билан Россия фақат иқтисодий эмас, балки сиёсий, илмий, ижтимоий соҳаларда ҳам кенг ҳамкорлик ўрнатган.

Учрашувда Ўзбекистон — Россия муносабатларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

Суратларда: *қабул пайти.*
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Наманган вилоятида бу йил 76 минг гектар майдонда гектар бошига 47,4 центнердан ғалла етиштирилди. Ялпи хирмон 223,4 минг тоннага етди

Ғаллачилик илмини пухта ўзлаштирган наманганлик деҳқонлар кейинги икки йилда ҳосилдорликка 14 центнер қўшдилар. Соҳадан олинган даромад 25 миллиард сўмга, соф фойда эса 11 миллиард сўмга етди. Рентабеллик 45 фоизлик кўрсаткичга кўтарилди. Янгиқўрғон, Косонсой, Чуст туманларида ғалла ўрим-йиғими ҳали давом этаётганини инобатга олсак, ялпи ғалла миқдори 370 минг тоннадан кам бўлмаслиги аниқ.

... «Вилоятнинг дон хирмони тўлди!» — деган хушхабар ёйилган кезларда биз Норин туманидаги «Тошкент» ширкат хўжалиги пудратчиси Тўлқинбой Қурбонов далаларида эдик. Унинг чеҳрасига бирдан мамнунлик югурди. Хонадонида гўё тўй бошланиб кетди. У ўша куни ихтиёридаги ғаллазорнинг ҳар гектаридан вилоятда энг кўп — 105 центнердан ғалла олганди. Пудратчи шартномада белгиланганидан орттириб, нақд 20 тонна буғдой эгаси бўлди.

Олти йилдан буён шартнома режасини бажаролмай қолоқлик ҳижолатини тортиб келаётган мингбулоқликлар бу йил режани вилоятда биринчилардан бўлиб бажарди. Поп тумани ғаллакорлари эса мамлакатда донгдорлар қаторига қўшилди.

«Ҳамма гап уруғда», — дейишмоқда вилоятнинг уста ғаллакорлари. Мана, икки йилдирки, миришкорлар уруғликни ўзлари тайёрлашмоқда. 2003 йил учун 20000 тонна сара уруғ ҳозирданоқ омборларга жойлаб бўлинди. Демак, келгуси йил ҳам Наманганда ғалла баракали бўлади.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг қўшма ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни маданият ишлари вазири Х. Жўраев бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Бу ҳақда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори, байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ишчи гуруҳининг раҳбари Б. Абдурахимовнинг ахбороти тингланди.

Таъкидланганидек, бу қутлуғ байрам мамлакатимизда ҳар йили умумхалқ шодиёнаси сифатида кенг нишонланмоқда. Байрам концертида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан профессионал артистлар билан бирга бадиий ҳаваскорлик жамоалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Бироқ ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, байрам дастурини тайёрлашда баъзи вилоятлар бор имкониятларини тўла ишга солмаяпти.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз тантаналари бу йил ҳам жаҳоннинг элликдан ортиқ давлатига телевидение орқали тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Шу боис бўлажак байрам концертига Маданият ишлари вазирлиги ҳузуридаги академик ва халқ жамоалари дирекцияси, М. Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» бирлашмаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тизимидаги барча бадиий жамоалар, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли театр жамоалари, эстрада юлдузлари жиддий тайёргарлик кўришлари зарур. Бундан ташқари, байрам дастурида санъат ва маданият йўналишидаги, олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими тизимидаги ўқув юртлари ҳамда мактабларнинг талаба-ўқувчилари ҳам иштирок этади.

Вилоятлардан фольклор-этнографик ва эстрада йўналишларида бадиий жамоалар таклиф этилади. Қўшма ҳайъат йиғилишида Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллик байрами асосий дастуридан ўрин оладиган ана шу жамоаларнинг ижрочилик маҳоратидаги ўзига хослик, бадиий топилмалар билан бир қаторда ижодий саёзликлар ҳам оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилиши таъкидланди.

Тадбирда Маданият ишлари вазирлигининг ярим йиллик иш фаолияти, Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги, Нукус шаҳрининг 70 йиллигига тайёргарлик кўриш тўғрисидаги ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг вазирлик тизимидаги ўқув юртларида ижросининг бориши, республика музейлари моддий-техник негизини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақидаги масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов сўзга чиқди.

■ **Б. МАНСУРОВ,**
ЎзА мухбири

ЯНГИ МИНТАҚАВИЙ ЖАМҒАРМА

Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ўрта Осиёдаги кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида битим имзоланди. Ҳужжатга АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбст, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги вакили Девид Пирс ва бошқа халқаро иқтисодий ташкилотлар вакиллари имзо чекди.

Жамғарма Швейцариянинг Иқтисодий масалалар бўйича давлат котибияти, Халқаро молия корпорацияси ҳамда АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги томонидан таъсис этилди. Унинг бошланғич жамғармаси 8,6 миллион АҚШ долларига тенг. Молия воситаларининг асосий қисмини Швейцариянинг Иқтисодий масалалар бўйича давлат котибияти тақдим этган.

Жамғарма ўрта ва кичик корхоналарга маблағлар ажратиш орқали минтақадаги давлатлар иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Ўрта ва кичик тадбиркорликка бозор иқтисодиётининг таянч нуқталаридан бири сифатида ёндашилади. Шу туфайли мамлакатимизда ушбу иқтисодий жабҳани тараққий топтиришга қулай шарт-шароит яратилган.

Минтақавий жамғарманинг ўзига хос жиҳати шундаки, маблағлар давлатларга энг зарур соҳалар бўйича тақсимланади. Хусусан, Ўзбекистонда асосий эътиборни хомашёни қайта ишлаш, агросаноат, соғлиқни сақлаш каби соҳаларга қаратиш кўзда тутилган.

■ **Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,**
ЎзА мухбири

ОНА ЗАМИН СОҲИБИ



Тун чоғида томингга
Томчилаган ёмғирдир.
Бир томчиси — севинчу
Бир томчиси оғриқдир.
Дастасига сиғмайин
Ерни қўмсар кетмонинг,
Умринг — дашту далангнинг
Меҳнатлари оғирдир.
Чопонингда тупроғу
Заҳматларнинг иси бор.
Юзларингда — минг ташвиш,
Қисматларнинг изи бор,
Одам Атодин қолган
Ҳикматларнинг изи бор,
Бу ҳикматни билмаган
Ўз юртига сағирдир.
Ким ўйлади оламни,
Сен ўйладинг далангни.
Даланг бирлан ўтказдинг
Ёмғир селу жалангни.
Бозорларга кўз тикдинг
Ўқитолмай болангни,
Тақдир — гоҳ қўю қўзи,
Гоҳ сут бермас тарғилдир.
Пайкалларга ўтидан
Базм бергай қуёшинг.
Бу бир қизғин базмким,
Синалгайдир бардошинг.
Кетмон — сенинг йўлдошинг,
Еринг — сенинг дилдошинг.
Терларинг шароб бўлгай,
Кўк чойларинг чоғирдир.
Тупроқ билан дардлашмоқ
Бу — қадимий бурч, шараф.
Сен-чун асли бу даврон,
Сенга бўлсин бу шараф.
Ким етишди, ким етди,
Ким бўлмади мушарраф.
Ўзбекистон, онажон,
Мангу иссиқ бағирдир.

■ **Сирожиддин САЙЙИД**

ИҚТИСОДИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

МЕН НИМА УЧУН СОЛИҚНИ ИХТИЁРИЙ ТЎЛАЙМАН?

Бозор иқтисодиёти шароитида тўланган ҳар қандай солиқ, шаксиз, унинг тўловчиларига давлатнинг хилма-хил хизматлари орқали қайтиб келади ва бутун жамият аъзоларининг манфаатларига хизмат қилади

Қўшимча даромад солиғи нима? У қай тартибда тўланади ва нималарга сарфланади?

Газетамизнинг иқтисодиёт бўлими қошидаги иқтисодий кенгаш аъзоси, Тошкент молия институтининг солиққа тортиш кафедраси мудири, Республикада хизмат кўрсатган иқтисодчи, профессор Қосим ЯҲЁЕВ ушбу саволларга жавоб беради.

— Мен бир неча жойда ишлайман. Ҳаммасидан ҳам ҳақ оламан, даромад топаман. Ундан ташқари дарслик, қўлланма, мақолалар ёзганим учун ҳам муаллифлик ҳақи беришади.

Солиқ қонунчилигимиз бўйича асосий иш жойидан ташқарида қўшимча даромадга эга жисмоний шахслар жами даромади тўғрисида декларация ёзиб, солиқ идораларига топширишлари мажбур қилиб белгиланган.

Мен, ҳозир айтганимдек, бир неча ерда ишлаган жойларимдаги бухгалтерияларга даромадимдан энг юқори ставкада (33 фоиз) солиқ ушлашлари ҳақида ихтиёрий ариза бериб қўяман. Бухгалтерлар бу ишни мамнунлик билан бажаришади. Шундай қилинганда, йил охирида жами даромаддан солиқ ҳисоблаганда қўшимча солиқ суммаси чиқмайди. Яъни, солиқни тўлиғича манбада тўлаган бўламан-да.

Лекин ҳар доим ҳам бундай қилишнинг иложи йўқ. Чунки газета ва журналларга берган мақолалар учун муаллифлик ҳақи ҳамма ерда ҳам берилавермайди. Шунинг учун уларга муаллифлик ҳақидан солиқни юқори ставкада ушлаб қолиш ҳақида ариза ёзолмайман.

(Давоми 2-бетда)

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ГУРУЧ ЖЎНАТИЛМАЙДИ

Яқинда Сариқ денгиздаги чегарада қўриқчилик қилаётган Жанубий Корея билан Шимолий Корея ҳарбийлари ўртасидаги отишма икки қўшни давлатнинг энди ривожланиб келаётган дўстона алоқаларига совуқчилик туширди.

Гап шундаки, эндиликда Жанубий Корея Шимолий Кореяга гуруч етказиб беришни тўхтатиб қўйди. Жанубий Корея БМТнинг Бутунжаҳон озиқ-овқат дастурига биноан қўшни мамлакатга бу йил 300 минг тонна гуруч етказиб бериши керак эди.

ТАҚИҚЛОВ БЕКОР ҚИЛИНДИ

АҚШ маъмурияти шу пайтгача амалда бўлган тақиқловни бекор қилди, яъни аввалги қарорга кўра, Афғонистонга тижорат йўли билан қурол-аслаҳалар, ҳарбий анжомлар етказиб бериш қатъиян тўхтатилган эди. АҚШ давлат департаментининг матбуот хизмати тарқатган хабарларда ёзилишича, шу йил 3 июлдан бошлаб мазкур қарорга ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, энди фақат Афғонистоннинг муваққат ҳукумати ва у ерда фаолият кўрсатаётган халқаро кучлар контингенти учун тижорат йўли билан қурол-аслаҳалар етказиб беришга рухсат этилди.

Бундай имкониятни қўлга киритишга ҳоҳиш билдирган ташкилот ё муассасанинг фаолияти обдон, чуқур ўрганилиб, сўнг унга лицензия берилади, дейилади давлат департаменти хабарида.

ПОРТУГАЛИЯГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

Россия Президенти Владимир Путин Португалияга ташриф буюрадиган бўлди. Португалиялик ҳамкорлар билан олиб борилган музокаралардан сўнг бўлиб ўтган матбуот анжуманида Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов бу ҳақда ахборот берди: «Путин Португалияга ташриф тўғрисидаги таклифни миннатдорлик билан қабул қилди. Ташриф қачон амалга ошиши ҳақида эса дипломатик йўллар орқали келишилади», — деди у.

ЛАВОЗИМДАН ВОЗ КЕЧДИ

Фаластин миллий автономиясининг хавфсизлик хизмати бошлиғи Фози Жабали ўз ҳоҳишига кўра истеъфо берди.

Манбаларга қараганда автономияда ўзига хос обрў-эътиборга эга бўлган Фози Жабалининг лавозимдан кетиши бежиз эмас экан. У 2003 йил январда мамлакат раҳбарлиги учун бўлиб ўтадиган сайловларда ўз номзоди билан қатнашишга тайёргарлик кўрмоқчи, дейилади Reuters ахборот агентлиги тарқатган хабарда.

АМЕРИКА ФУҚАРОЛИГИ БЕРИЛАДИ

4 июлда нишонланган Американинг мустақиллик куни муносабати билан эълон қилинган АҚШ президентининг фармонига кўра, мамлакат ҳарбий кучлари таркибида хизмат вазифасини бажараётган 15 минг нафар муҳожирга Америка фуқаролиги бериладиган бўлди. АҚШнинг халқаро терроризмга қарши курашида кўмак бераётган муҳожир ҳарбийлар учун бу катта байрам совғаси бўлди.

АҚШ армиясида ҳаммаси бўлиб, 31 минг муҳожир хизмат қилади. Бу армиянинг 4 фоизини ташкил этади. 15 минг муҳожир ҳарбий эса Америка фуқаролигини қабул қилиш учун етарли муддатни деярли ўтаб қўйишган, яъни 3 йил хизмат қилиб қўйишган. Президентнинг байрам фармойиши айнан шуларга қаратилган.

МУЗОКАРА НАТИЖАСИЗ ЯКУНЛАНДИ

Иккига бўлинган Кипр муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш борасида БМТ раҳбарлиги остида олиб борилган навбатдаги музокаралар яна самарасиз якунланди.

Барча музокараларни июнь ойининг охиригача муваффақиятли якунлаш ва бир тўхтамга келиш режалаштирилган эди. Бироқ айрим сабабларга кўра сўнгги қарорни қабул қилиш муддати яна чўзиладиган бўлди.

Кипрнинг Греция қисми президенти Глафкос Клиридис ва Туркия қисми — Шимолий Кипр раҳбари Рауф Денкташнинг ўзаро келишувига биноан оролдаги икки хил тузумни бирлаштириш бўйича навбатдаги музокара — бешинчи уриниш 16 июлда ўтказилади, дея хабар беради Associated Press ахборот агентлиги.

ИҚТИСОДИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

МЕН НИМА УЧУН СОЛИҚНИ ИХТИЁРИЙ ТЎЛАЙМАН?

(*Давоми. Боши 1-бетда*)

Даромадга эга бўлган ҳар қандай фуқаро солиқ қонунчилиги бўйича тугалланган йилнинг кейинги йили 1 апрелигача ўзлари яшайдиган туман солиқ инспекциясига ўтган йили олинган жами даромади ҳақида декларация топширишлари шарт. Мен шу қоидага риоя қилиб, ҳамма ишлаган ва даромад олган жойларимдан маълумотнома тўплаб, Чилонзор туман солиқ инспекциясига 1 апрель ҳолатини кутмай 12 февралдан 15 мартгача солиқ декларацияси тузиб топшираман. Инспекция ходимлари шу ернинг ўзида текшириб, солиқ хабарномаси ёзиб беришади. Қўшимча солиқ декларация бўйича ҳисобланганда солиқ қонунчилиги бўйича 1 июнгача тўлаш мумкин. Аммо мен 1 июнни кутмасдан ихтиёрий равишда қўшимча чиққан солиқдан қарзни шу заҳотиёқ банкка бориб тўлайман ва инспекцияга келиб уни рўйхатдан ўтказиб оламан. Нима учун шундай қиламан? Чунки ҳар қандай қарз, айниқса, давлатдан қарз бўла туриб эркин, бамайлихотир яшаб бўлмайди.

Иккинчидан, солиқдан қарз бўлиш пеня тўлашга олиб боради.

Учинчидан, солиқлар давлат томонидан нималарга сарфланишини яхши биламан. Масалан, солиқларни вақтида тўламасам, талабалар стипендиясини, ўқитувчилар, олимлар, врачлар сингари бюджетдан маблағ олувчи касб эгалари иш ҳақларини вақтида ололмай қолишлари мумкин. Уларнинг эса давлат бюджетидан олаётган иш ҳақидан ташқари бошқа даромад манбаи ҳам йўқ.

Аммо, ҳамма ҳам ўз ихтиёри билан солиқ декларациясини вақтида топширавермайди, ҳатто баъзан уни тўлашдан бош тортишади. Менинг фикримча, бунинг асосий сабаби, баъзилар солиқларнинг республикамиз ижтимоий иқтисодиёти учун аҳамиятини ва солиқ қонунчилигини тўлиқ билмаслигидир. Бунинг устига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳам аниқ, қисқа ва равон ёзилган эмас. Уни баъзан ҳар хил талқин қилишлар учраб туради. Масалан, Солиқ кодексининг 48-моддасида жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларига: меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадлар, мулкий даромадлар ҳамда уларнинг тадбиркорликдан оладиган даромадлари кириши аниқ кўрсатилган. Шу кодекснинг 59-моддасида эса жисмоний шахсларнинг даромади юзасидан солиқ имтиёзларига урғу берилган. Аммо шу ерда бу имтиёзлар юқоридаги уч гуруҳ даромадларнинг ҳаммасига тегишлими, ёки тегишли эмасми, бу ҳақда ҳеч нарса айтилмаган. Мантиқ жиҳатидан имтиёз жисмоний шахсларнинг ҳамма даромадига тегишли бўлиши керак.

Солиқларнинг республикамиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини чуқур билиш учун бюджетга тушган солиқлар давлатнинг қандай йирик дастурларини бажаришга йўналтирилаётганини билмоқ лозим.

Охирги икки йилда давлат бюджети харажатлари тақсимланиши қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади.

(Млн. сўм)

№		2001 й.	%	2002 й.	%
	Жами бюджет харажатлари, шу жумладан:	1210345	100	1900542	100
1.	Социал-маданий тадбирларга	481900	40	765442	40,2
2.	Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга	102800	8,5	142450	7,5
3.	Иқтисодий харажатларга	105375	8,7	165142	8,6
4.	Марказлашган инвестицияга	216200	16,2	273000	14,3
5.	Давлат идоралари, бошқармалари ва суд идоралари харажатларига	22000	1,8	38604	2,3
6.	Маҳаллий бошқарув органларига	6431	0,5	10303	0,5
7.	Вазирлар Маҳкамасининг заҳира (резерв) фондига	15000	1,2	21000	1,1
8.	Бошқа заҳира (резерв)лар ва харажатларга	280281	23,1	484601	25,5

Маълумотлар кўрсатмоқдаки, 2002 йилда бюджет харажатлари ўтган йилга нисбатан 700 миллиард сўмга ортиши мўлжалланган. Бу харажатларнинг асосий қисми итимоий-маданий тадбирларнинг харажатлари — 283 миллиард сўмга кўпайиши ёки жами харажатларнинг жорий йилда 40,2 фоизини ташкил этиши мўлжалланган. Булар асосан маориф, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, маданий ишлар харажатларидир. Жами харажатларнинг 7,5 фоизи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга, 8,5 фоизи иқтисодий соҳалар ривожига, 14,3 фоизи марказлашган инвестицияларга сарфланиши белгиланган. Қолганлари давлатнинг бошқа ижтимоий зарурий мақсадларига йўналтирилади.

Шундай қилиб, жамият аъзолари томонидан тўланган солиқлар давлатнинг хилма-хил хизматлари орқали уларнинг ўзига қайтиб келади. Уни ўз вақтида тўлаш солиқ ундириш харажатларини камайтиради. Давлатга мўлжаллаган дастурларни вақтида бажариш имконини беради. Пировардида, республикамизда ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиётига тезроқ ўтиш шарт-шароити яратилади.

КЕКСАЛАРГА ИЗЗАТ-ХУРМАТ

Жойлардан олинаётган маълумотлар орасида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан партия ташкилотлари қилаётган ишлар ҳақидаги хабарлар жуда кўп. Чунончи, **ХДП Сирғали туман партия кенгаши** 200 нафар фахрийлар ва партия фаолларини, маданий дам олдириш мақсадида, пойтахтдаги Муқимий номидаги театрда Х.Хурсандовнинг «Топталган туйғу» номли спектаклини томоша қилишга таклиф этди.

Ўзбекистон ХДП Асака шаҳар кенгаши фаоллари иштирокида «Анзис» корхонасида ўтказилган тадбир «Қарияларни эъзозланг!» шиори остида ўтди. Унга таклиф этилган фахрийларга айтилган дил сўзларига санъаткорларнинг куй-қўшиқлари уланиб кетди. Шаҳар партия кенгаши биринчи котиби М.Ҳакимов кексаларга совғалар топширди.

Қўрғонтепа туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошланғич партия ташкилоти, бошқаларга ўрнак бўлиб ишлаётган, бошқарма молия бўлими мудири Иброҳим ака Каримовнинг 60 ёшга тўлганини тантанали нишонлашга бош-қош бўлди.

Денов туман партия кенгаши ва маҳаллий ҳокимликнинг ижтимоий таъминот бўлими қарилик гаштини сураётган бир гуруҳ фахрийлар учун дастурхон ёздилар. Туман ҳокими А.Эшмуродов, Ўзбекистон Қаҳрамони И.Файзуллаев, Олий Мажлис депутати Р.Абдуллаев, Жомий масжиди имоми Абдулазиз ҳожи Мажидхон ўғли ва бошқалар мамлакатимизда ўтказилаётган Қарияларни қадрлаш йилининг аҳамияти, ушбу борада жойларда қилинаётган кенг қамровли ишлар хусусида сўзладилар. Фахрийларга эсдалик совғалари, ногиронларга махсус аравачалар топширилди.

Қарши шаҳри «Роҳгузар» маҳалласида ташкил қилинган тадбир «Қаринг бор — бараканг бор!», деган шиор остида ўтди. Шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Р.Муртазоев, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғ. Отажонов ва бошқалар «бир пиёла чой устида» бўлиб ўтган суҳбатда кексаларга Қарияларни қадрлаш йили давлат дастурининг бажарилиши юзасидан қилинаётган ишлар ҳақида сўзлаб бердилар.

ЎзХДП Оқолтин туман кенгаши ташкилотчилигида ўтган хотира кечасида марҳум юртдошлар — машҳур пахтакор М.Матғозиева, моҳир механизатор Т.Аблёзов, миришкор деҳқон М.Абдуллаев, жамоат ишларида танилган З.Аҳмедовларнинг хайрли ишлари эсланди, уларнинг ўзларидан яхши фарзандлар, яхши излар қолдиргани таъкидланди.

Сайхунобод туман партия кенгаши қошида тузилган, Чинмирзаев ва Нуровлар оила аъзоларидан иборат, оилавий «Маънавият» гуруҳи (унга кенгаш биринчи котиби С.Чинмирзаев раҳбарлик қилмоқда) ўзининг, Хотира ва қадрлаш кунида бўлиб ўтган илк чиқиши билан фахрийларни хушнуд қилди. Эндиликда мазкур гуруҳ ўзининг «Ўзбекистон — Ватаним менинг!» деб номланган дастури билан ёзги оромгоҳларда дам олаётган болаларга хизмат кўрсатмоқда.

ХДП Учқўрғон туман кенгаши оилаларни мустаҳкамлашда кекса онахонларнинг ҳаёт тажрибасидан фойдаланмоқда. Яқинда кенгаш ташаббуси билан «Аёл борки, олам мунаввар» мавзуида мулоқот ўтказилди. Унда 13 та маҳалла вакиллари, шу жумладан нуроний онахонлар қатнашдилар.

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ



ДОРИХОНАЛАР ДОРИВОРЧИЛИГИ

Наманган вилояти Поп туманидаги Абу Али ибн Сино номли дориворчиликка ихтисослашган ўрмон хўжалигининг 158 гектар майдонида 22 тур доривор ўсимликлар етиштирилади. Хўжалик республикадаги дам олиш масканлари ва санаторийларнинг 70 фоизини ҳамда юзлаб дорихоналарни мойчечак, арслонқуйруқ, бўймадарон сингари турфа доривор ўсимликлар билан таъминлаб туради. 2000 йилда 17 миллион сўм даромад қилинган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 33 миллион сўмга (3 миллион 216 минг сўми соф фойда) етказилди.

Сўнгги пайтларда хўжаликнинг 284 кишилик доришунослари тоғ ёнбағирларида табиий доривор ўсимликларни маданийлаштириш ва кўпайтиришга оид амалий ишлар ҳам олиб боришяпти. Боғ-роғларни кўпайтириш мақсадида терак, олма, ўрик, игнабаргли дарахт кўчатлари етиштирилмоқда. Масалан, 15 сотих майдонда арча уруғидан униб чиққан ёш ниҳоллар мехр билан парвариш қилинмоқда.

Суратларда: *хўжалик директори Алижон Маматкаримов (юқоридаги сурат, чапдан) республика шифобахш ўсимликлар ишлаб чиқариш бошқармаси директори Маъмуржон Аллаёров билан Чодак участкаси ўрмончилари бошлиғи Ҳайдаржон Мирзаев; хўжаликнинг ўз маблағи ҳисобидан қуриб битказилган маъмурий биноси.*

■ **Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар**

СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, унинг бир қатрасини ҳам исроф қилмаслик, сувни ифлослантирмаслик хусусида сўнгги йилларда кўпроқ гапирилмоқда, бу масалага оид халқаро анжуманлар ўтказилмоқда. Зеро, эртанги кунимиз, келажак авлод тақдири маълум маънода бугун сизу бизнинг табиатга, хусусан сувга бўлган муносабатимизга ҳам боғлиқ.

Ҳаётнинг ўзи сувга, сув иншоотларига бугунги кун талабидан келиб чиқиб янада жиддийроқ эътибор беришни талаб қилаётир. Дарёлар, каналлар, кўллар ва бошқа сув ҳавзаларидаги сувни истеъмол қилиб, экинларни суғорамиз.

Сув ресурсларидан ва Орол денгизи ҳавзаси ўрамидаги атроф-муҳитдан оқилона фойдаланиш бўйича GEF агентлиги лойиҳаси асосида дамбалар ҳавфсизлиги ва сув омборларини бошқариш С компоненти йўналиши бўйича Тошкентда ўтказилган «Сирдарё каскадини ўрганиш» мавзуидаги халқаро семинар ҳам айнан шу масалага бағишлангани билан эътиборга молик. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларининг соҳага дахлдор мутахассислари иштирокидаги мазкур тадбирда муаммолар ва улар ечимини топиш масаласи атрофлича муҳокама қилинди.

Маълумки, Ўрта Осиёда кўплаб сув иншоотлари бор. Уларнинг аксарияти дамбаланиб, сувни бошқариш ва ўтказиш қурилмаларига эга. Мазкур минтақадаги 60 дан зиёд йирик иншоотларнинг аҳволини ўрганиш ва зарурий ишларни бажариш лозим. Одамларнинг ҳаёти, қолаверса ҳавфсизлигини таъминлашда дамбаларнинг мустаҳкамлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун тегишли маблағлар минтақа халқлари манфаатлари хизматига йўналтирилиши лозим.

Сирдарё қўшни давлатлар ҳудудидан оқиб ўтади. Ҳозир дарёдан ҳар ким ўзича фойдаланмоқда. Бу нарсани ҳам тартибга келтириш зарур. Атроф-муҳит ва табиатга таъсири, қолаверса, одамлар ҳаёти, кундалик турмуши билан боғлиқ дарё муаммолари оқил ва одил ечимини топиши лозим. Семинарда айнан «Сирдарё каскадини ўрганиш» масаласининг муҳокама қилиниши — мазкур вазифанинг нечоғлик муҳимлигини кўрсатиб турибди. Зеро, дарё сувини исроф қилмасдан, кам харажат эвазига истеъмолчиларга етказиб бериш шу куннинг талаби.

Анжуман иштирокчилари «Сирдарё каскадини ўрганиш» борасидаги таклиф-мулоҳазаларини ўртага ташладилар. Етакчи мутахассислар сувдан самарали фойдаланишда каскадларнинг ўрни ва аҳамияти хусусида гапирдилар.

■ **Равшан ШОДИЕВ**

БАНК, МИЖОЗ ВА БИЗНЕС

«MADE IN UZBEKISTAN» — ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯНГИ САЙТ

Ўзбек тадбиркорларининг экспорт салоҳияти ҳақидаги ҳар қандай ахборотни Uzreport.com. ахборот-таҳлилий интернет порталидан олиш мумкин. Унинг «Made in Uzbekistan» (www.uzexport.com) янги сайти тақдимоти пойтахтдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида бўлиб ўтди.

Учрашувда таъкидланганидек, мазкур сайтнинг асосий йўналиши мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ташқи бозорга таништиришда ва Ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини ахборот билан таъминлашда ёрдам кўрсатишдан иборат. Янги веб-сайт республика Вазирлар Маҳкамасининг ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти томонидан Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Германия техникавий кўмаклашув жамияти (GTZ) билан яқин ҳамкорликда яратилган. Янги лойиҳа ғоясини ишлаб чиқиш ва уни тайёрлаш бўйича техникавий ишлар SAIPRO компанияси мутахассислари томонидан GTZ ташкилий ва молиявий ёрдамида амалга оширилган.

Янги сайт саҳифаларидан экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ва хизматларнинг кенг жабҳаси бўйича маълумотларни, инновация, инвестиция ва савдо-сотиқ ҳамкорлиги тўғрисидаги таклифларни, маълумотнома ва ахборотларни, таҳлилий шарҳлар ва бизнеснинг турли масалалари юзасидан экспертлар тавсияларини топиш мумкин. Сайтда хорижий тадбиркорларнинг Ўзбекистондан шерик топишга қаратилган ахборотларини ҳам жойлаштириш кўзда тутилган.

Ўзбек экспортчилари интернет орқали ўз маҳсулотларини ташқи бозорга тақдим этиш имкониятига эга бўлдилар. Истиқболли лойиҳада, унинг ташкилотчилари маълумотларига кўра, мамлакатимизнинг 200 дан ортиқ корхонаси ҳақидаги маълумот ўрин олган. Яқин келажакда эса уларнинг сони 300 тага етиши кутилмоқда. Дарвоқе, «Made in Uzbekistan» веб-сайти SAIPRO Uzreport.com компаниясининг ахборот-таҳлилий интернет портали ресурсларида ҳам жойлаштирилади. GTZнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Михаэл Герлих таъкидлаганидек, янги веб-сайт Ўзбекистон мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган нодир маҳсулотдир. Демак, республикамиз интернет маҳсулотлар ва технологиялар бозорида ҳам ҳеч кимдан қолишмайди ва бемалол рақобатлаша олади.

■ **Алишер РЎЗИЕВ**

ЯЛПИ ТАРАҚҚИЁТ МАНБАИ

Тадбиркорлик бозор иқтисодиётига ўтган давлатлар иқтисодий ривожланишининг муҳим омили эканлигини, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантирмай ялпи иқтисодий тараққиётга эришиб бўлмаслигини эндиликда ҳамма яхши билади. Президентимизнинг **«Биз кичик ва ўрта хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, айни вақтда унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадлари ошишида, ишсизлик муаммосини ечишда муҳим омилга айланишига эришмоғимиз лозим»,** дейишининг боиси ҳам шунда.

Кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи кишилар ўз мулкига эга ва ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи бозорда сотиб, оиласини ҳам, бошқаларни ҳам боқишга қурби етган тадбиркорлардир. Ривожланган давлатларда аҳолининг аксарият қисми ана шундай кишилар тоифасига киради. Ўзбекистонда ҳам шундай даражага эришиш учун қулай имкониятлар яратилган. Миллий анъаналаримизга мос қонуний асослар қабул қилинди. Уларда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этишлари ва манфаатдорлиги учун кафолатлар белгиланди. Молиявий ресурслар ва хизматлар билан таъминлаш чоралари кўрилди. Ўтказилаётган бу жараёнларда, шубҳасиз банк тизими алоҳида ўрин тутади.

Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий эркинлиги кафолатлари ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш билан бирга, унинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи тўсиқларни олиб ташлаш ҳам муҳим вазифалардандир. Сир эмас, бу борада камчилик ва муаммолар учраб туради. Чунончи, кўпгина кичик ва ўрта бизнес субъектлари чет эл тадбиркорларига ўхшаб нима ва қанча ишлаб чиқаришни биладилару, экспорт қилишни билмайдилар. Ёки маблағга эҳтиёж сезса банкдан кредит олиши учун молия бозорига кириши керак. Лекин, булардан олдин у мурожаат қилиши керак бўлган бозор бор: бу ахборот бозори. Бизда тадбиркорлар учун ахборотлар етказиб бериш етарлича йўлга қўйилмаган. Масалан, интернет тизимидан фойдаланиш учун аҳолининг 65 фоизидан ортиғи қишлоқ жойларида яшаётганини ҳисобга олсак, ахборот бозори тадбиркор ёки тадбиркорлик учун катта имкониятлар бериши равшан бўлади. Шунда тадбиркорларнинг қайси бири билан шартнома тузиш мумкинлиги ва қайси биридан кўпроқ фойда олишини билиб олади ва олдиндан режалаштиради. Унда шартнома тузишнинг танлов имкони бўлади.

Режа, яъни бизнес-режа тадбиркорнинг асосий ғоясидир. Афсуски, кўплаб тадбиркорлар ҳалиҳануз бизнес-режага эътибор беришмайди.

Ўрганилган бу амалиётни ўрганиб, уни чуқур таҳлил қилган ҳолда қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

ишлатилаётган кредитларнинг фоиз ставкаси тушиб бораётган ҳозирги вақтда бизда бу фоиз ставкаси кўп воситачилар ўртасида кўтарилиб кетяпти. Баъзи ҳолларда Libor ставкасидан ҳам икки-уч баробар юқорилаб боряпти. Бу жараённи пасайтириш керак. Чунки жаҳон бозорида ўртача фоиз 0,4 фоизни ташкил этган бир пайтда республикада бу кўрсаткич анча кўпдир.

Банкларимизнинг валюталар бўйича тўлаётган фоиз ставкаларини кўриб чиқиш керак, яъни бошқаларга юқори тўлагандан кўра, юқори фоиз тўлаб ўз фуқароларимизнинг қўлларидаги валюта маблағларини банкларга жалб этиш ва уни ишлатиш лозим, деб ўйлаймиз.

Республиканинг экспорт потенциалини оширишда кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш учун ресурслар етарли бўлса-да, кредитлаш борасида ҳали амалга оширилиши зарур бўлган ишлар мавжуд. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредитлашда бир қанча муаммолар мавжуд. Булар:

олинаётган кредитнинг таъминланмаганлиги ёки унинг етарли даражада эмаслиги. Тижорат банкларининг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун энг катта муаммо — олинаётган кредит таъминотининг бирон-бир турини топишдир. Айнан олинаётган кредит учун таъминотнинг йўқлиги ёки етарли эмаслиги 60-70 фоиз молиялаш қабул қилинган лойиҳаларни молиялаштириш узоқ вақтни талаб қилмоқда. Бу иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларига хорижий инвестициялар жалб қилинишига тўсқинлик қилмоқда.

Ушбу муаммонинг бундай тус олишига республикамиз шароитида бир неча омиллар таъсир қилмоқда. Чунончи, гаровга қўйилаётган мол-мулк кредит валютасида баҳоланади. Валюта тизимининг эркинлаштирилиши, яъни АҚШ долларининг сўмга нисбатан курсининг кўтарилиши гаровга қўйилган молмулкнинг қийматини камайтиришга ва тадбиркорларнинг инвестицион лойиҳадаги иштироки улуши камайишига олиб келмоқда. Чунки, хорижий кредит линияларининг шартларидан бири — инвестицион лойиҳада кредит олувчининг улуши 25 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Шунингдек, кўчмас мулк биржасининг ривожланмаганлиги (айниқса қишлоқ жойларида) ва кафолат берувчи молиявий ҳолати мустаҳкам корхоналар сонининг чекланганлиги ҳам муаммо бўлиб қолмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг олаётган кредитлари учун таъминотнинг етишмаслиги нафақат ривожланаётган мамлакатларга, балки тараққий этган Европа, АҚШ, Япония ва бошқа мамлакатларга ҳам хосдир. Бундай муаммони ҳал қилишда тараққий этган давлатларда кичик ва ўрта бизнес субъектлари кредитларини таъминлашда, тижорат банкларига кредитнинг 75-90 фоизини Махсус Давлат Кафолат Фонди кафолатлайди.

Ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда тижорат банкларида ресурсларнинг мавжудлигини инобатга олиб, **республикада кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат Кафолат Фонди ташкил қилиш лозим,** деган фикрдамиз. Мазкур фонд тадбиркорларнинг кредит таъминоти етмаган қисмини кафолатловчи фонд ҳисобланади. **Фондга тижорат банкларининг лойиҳа бўйича ижобий хулосаси мавжуд бўлгандагина ортиқча экспертизасиз кафолат берилиши лозим.** Фонд ресурслари шаклланишининг манбалари — давлат мулкини сотишдан олинадиган маблағларнинг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ажратиладиган қисми ҳамда норезидентларга давлат мулки сотилишидан хорижий валютада олинадиган маблағлардир.

■ **Шуҳрат ШАРИПОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

«Қоракўлтекс» қўшма корхонаси «Бухоротекс»нинг тумандаги филиалини техник қайта жиҳозлаш ҳамда реконструкция қилиш эвазига вужудга келганди. Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасини янги технологик дастгоҳлар билан таъминлаш учун Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки 4972354 АҚШ доллари ажратганлиги боис, у 2001 йилдан бошлаб фаолият кўрсатиб келмоқда. Дастур жамғармаси 4761052 АҚШ долларини ташкил этувчи корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширмоқда. Бултур бу ерда 2935 тонна ип ишлаб чиқарилди. Сотилган ип-калава миқдори эса 2675 тонна бўлиб, шундан экспортга 114,9 тонна жўнатилган. Бу, 168,4 минг АҚШ доллари дегани.

— Маҳсулотнинг катта қисми хорижга сотилмоқда, — дейди корхона раҳбари М. Мансуров. — Шу йилнинг ўтган ойлари давомида 1767 тонна пахта толасидан 867 тонна калава ишлаб чиқарилди. Ички ва ташқи бозорга сотилган калава 934,6 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Дарвоқе, экспорт ҳажмининг ошиши корхонанинг иккинчи навбатини ҳам ишга туширишни тақозо этмоқда. Яқин ойлар ичида трикотаж матолар тўқиш, оҳорлаш, бўяш, пардозлаш цехлари бирин-кетин иш бошлайди. Бунинг учун «Асака банк»и орқали 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит олиниши ҳамда хорижий инвестор «Дельфа ЛЛС» компанияси улушига таяниш кўзда тутилган. Хуллас, иштиёқмандга иш топилади энди.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

Партия ташкилотларининг ёшлар муаммоларига эътибори кучаймоқда. Мана бир неча мисол. **ХДП «Ёшлик» Талабалар шаҳарчаси кенгаши** ташаббуси билан яқинда Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ 18-ётоқхонасида олий ўқув юртларида таҳсил олаётган бир гуруҳ йигит-қизлар билан учрашув ўтказилди. Унда Талабалар шаҳарчаси ҳокими А.Акромхўжаев, шу ердаги маҳалла раиси А.Эргашев, шаҳарча «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси С.Ҳикматов иштирок этдилар. Учрашувда мамлакатимиздаги ислоҳотларда ёшларнинг ўрни ва вазифалари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилиши, талабаларнинг ўқишлари ва жамоат ишларида иштироки тўғрисида сўз борди. Тадбирда 14 нафар эҳтиёжманд талабага моддий ёрдам кўрсатилди.

Шаҳрисабзда туман партия кенгаши ташаббуси билан, «Экология ва XXI аср ёшлари» мавзуида мулоқот бўлиб ўтди. «Экосан» халқаро жамғармаси туман бўлими раҳбари Д. Диёрова, Ҳисор давлат кўриқхонаси директори Б.Аромов, табиатни муҳофаза қилиш давлат инспектори Н.Йўлдошев ва туман партия кенгаши биринчи котиби М.Остоновларнинг чиқишлари ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Партия Меҳнатобод туман кенгаши ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ҳамкорликда, Ҳамза ва Норчаев номли ҳамда «Пахтакор» жамоа хўжаликлари, 6,7-ўрта мактабларда ёшларда касб-ҳунар ўрганишга иштиёқ туғдириш мақсадида, йигит ва қизларнинг моҳир усталар билан учрашувларини ўтказдилар. Ҳунар ўрганишда дастлабки ютуқларга эришган ўқувчилардан О.Назаров, О.Азимов, Х.Мавлонов ташкилотчилар томонидан тақдирландилар. Шу партия ташкилоти ўтказилишида фаол қатнашган яна муҳим бир тадбир ўрта мактаблар ўқувчилари ўртасидаги «Сиз қонунни биласизми»? мавзуидаги кўрик-танлов бўлди. Туман ҳокимлигининг таълим бўлими, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда уюштирган танловда 6-ўрта мактаб ёшлари биринчи ва 2-ўрта мактаб ўқувчилари иккинчи ўринни эгалладилар.

Қатор туман партия кенгашлари ўрта мактабда ўқишни тамомлаганларнинг «Битирув кечалари»ни ўтказишда жонбозлик кўрсатдилар. Чунончи, **ХДП Сирғали туман кенгаши** мазкур худуддаги ўрта мактабларни аъло баҳоларда битирган 38 нафар ёшлар ва уларнинг устозлари иштирок этган «Ҳаётга йўлланма», деб номланган тантанали тадбирни уюштирди. Туман ҳокими Р.Рўзимуҳамедов, туман партия кенгаши биринчи котиби Л.Исматова ва бошқалар ёшларни мустақил ҳаётга қадам қўйишлари билан табрикладилар. Аълочи-битирувчилар ва мураббийларга туман партия кенгашининг эсдалик совғалари топширилди. Кечага Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутат В.Кузеванов ҳомийлик қилди.

Косонсой туман партия кенгаши Бобораҳим Машраб номли иқтидорли болалар лицейида «Битирувчилар оқшоми»ни ўтказишга катта ҳисса қўшди. Битирувчиларга кенгаш совғалари топширилди.

Партия Оқолтин туман кенгаши ва «Камолот» ёшлар маркази томонидан ташкил этилган, мустақил ҳаётга илк қадам қўяётганларнинг турли касб эгалари билан учрашуви ҳам ёшлар учун жуда фойдали бўлди.

ХДП Андижон шаҳар, Андижон, Гулистон, Норин, Оқолтин ва қатор бошқа туманлар партия кенгашлари Гиёҳвандликка қарши кураш халқаро куни доирасида, тегишли давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари билан биргаликда турли тадбирлар (йиғилишлар, семинарлар, суҳбатлар) ўтказдилар. **Пахтаобод ва Хўжаобод туман партия кенгашлари** ташаббуси билан эса «Маданият» ҳамда «Манок» қишлоқ фуқаролар йиғинларида терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш масалаларига бағишланган тадбирлар ўтказилди.

Балиқчи ва Чортоқ туман партия кенгашлари иштирокида «Уч соҳил» ва «Шодлик» болалар оромгоҳларида «Ким чаққон?», «Ёз — 2002» ва бошқа шиорлар остида оммавий спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Фолиблар ушбу кенгашларнинг эсдалик совғалари билан сийландилар.

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

КЕКСА «ТАЛАБАЛАР»

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан Самарқандда кекса отахону онахонлар эзгуликка дахлдор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Вилоят ҳокимлиги ва шаҳар олий ўқув юртлари маъмурияти саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар билан учрашувлар уюштирилмоқда.

Қариялар олийгоҳларга келиб ёшларга бой ҳаётий тажрибаларини ҳикоя қилмоқда. Улар ўзларига кўрсатилаётган қадр ва эъзоздан беҳад мамнун эканликларини таъкидлашмоқда.

— Учрашувлар жуда ҳаяжонли ўтмоқда. Шу боис, кўпчилик бизни қария-талабалар, дейишмоқда, — дейди вилоят «Нуроний» жамғармасининг раиси Шакар Файзиев. — Айниқса, Самарқанд давлат чет тиллар институтида каттақўрғонлик қариялар билан бўлган учрашув узоқ вақт эсда қоладиган бўлди.

«Шоирлар боғи»да бир пиёла чой устида давом этган мулоқотда институт «Қизлар давраси» дастаси қатнашчилари ижро этган ўзбек, корейсча, японча қўшиқ ва рақслар қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

МУЛОҲАЗА

ҲАР НАРСАНИНГ ЎЗ НОМИ БОР

ёхуд Хоразмнинг айрим жойларида «шўро» деган атамадан ҳамон воз кечилмаётгани ҳақида

...Қишлоқда каттагина никоҳ тўйи. Табиийки, иштирокчиларнинг аксарияти ёшлар. Даврани бошқараётган гапдон йигит аввали озод юртимиз ҳақида, истиқлол берган имкониятлар тўғрисида «кириш сўзи» қилди. Ҳаётимизга кириб келган янгиликлар улуғланди, қад ростлаётган қадриятларимиз алқанди... ва кутилмаганда у шундай деди: «Азиз дўстлар! Икки ёшнинг бахт тўйини очиб бериш учун мен ҳурмат билан сўзни қишлоқ шўроси ... акамизга бермоқчиман! Марҳамат шўро бува!»

«Шўро бува» эса виқор билан ўрнидан туриб, икки ёшни маромига келтириб табриклайди. Бу оила мустақил давлатимизнинг намунали оилаларидан бири бўлиб қолишига тилак билдиради. Истиқлолни эслайди-ю, аммо ўзини «шўро бува» деб чақиришаётганидан заррача ранжимайди.

Хоразмда қишлоқ оқсоқолини «шўро» деб аташ ўша совет замонида урф бўлган эди. Расман «раис» деб ёзилса-да, оғзаки муомалада «шўро» деб аташарди. Ҳатто матбуотда ҳам шу зайлда ёзиш одат тусига кирганди. Бу сўз маъносини кимдир билиб, кимдир билмай ёзган, албатта.

Нима бўлганда ҳам замон ўзгарди. Халқни эзиб, силласини қуритиб, ярим қулликда ушлаб келган шўро давлати емирилиб кетганига ўн бир йил бўлаяпти — шўро даврида бошидан кўп иштиробларни кечирган мамлакатимиз мустақил бўлганига ҳам! Бу орада эски замоннинг қонун-қоидаси, ғояси, анъаналаридан тортиб атамаларигача воз кечилди. Афсуски, Хоразмда қишлоқ фуқаролари йиғини раисини ҳамон «шўро бува» деб аташмоқда.

Тўғри, даврабоши учун «қишлоқ фуқаролар йиғини раиси» деб чўзишдан кўра, бир оғиз «шўро бува» дегани осонроқ.

Хўш, «оқсоқол» атамаси нега оммавий қўлланилмаяпти? Чунки фуқаролар йиғини раислари аксарият ёш йигитлар, айрим жойларда эса бу вазифада аёллар ишлашаяпти... Эҳтимол, шундандир.

Энди тўй, бу тўй, расмий йиғин эмас. Пойинтар-сойинтар гапларга чидаса бўлади.

Аммо... катта расмий йиғинни кўз олдингизга келтиринг. Фаоллар тўпланишиб, ҳукумат қарори ижросини муҳокама қилишяпти. Нотиқ жойлардаги аҳволни эринмасдан бирма-бир таҳлил қиляпти. У қайсидир қишлоқда ислоҳотлар суст кетаётганлигини гапираётиб, кутилмаганда овозини баландлатади: «Қани, қишлоқнинг шўроси турсин-чи!» деб қолади.

Шу тахлит беш-олти «шўро» ўрнидан туриб ҳисоб беради. Улардан бирортаси «Мен шўро эмасман!» деб эътироз билдирмайди. Ёки бирорта одам «Ўзимизни ҳурмат қилайлик, «шўро»дан воз кечайлик», демайди.

Тўғри, ҳеч ким эски замонни қумсаб ёки улуғлаб бу сўзни айтмаяпти. Бу шунчаки ўрганиш, шунчаки лоқайдлик, шунчаки ўз-ўзини ҳурмат қилмаслик. «Шўро бува» сўзи замирида аслида кесатиқ, ҳақорат бор, айбнома бор.

Биз шўро ҳукуматининг азобукубатларини тортган халқмиз. Шўро ҳукумати минг-минглаб ота-боболаримизни, момоларимизни қатағон қилган, қириб ташлаган. Ана шу жабр-зулмлар учун «шўро»га ҳурмат кўрсатаяпмизми? Ёки шунчалик гўлмизки, кеча ким эдигу, бугун кимлигимизга ақлимиз етмайди?

Бунга нима дейсиз, хоразмлик ёшуллилар!?

■ **Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

МУНОСАБАТ

«МЕНИНГ ОТАМ ҲАЁТ-КУ?!»

«БИР ХАТО ТАРИХИ ВА ЖАБРИ» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ!

Мақолани ўқигач, «Хотира» китобини ўз кўзимиз билан кўришга қарор қилдик. Топиб кўздан кечирдик. Китобнинг Қашқадарё вилоятига бағишланган 1-жилдининг 146-бетида шундай маълумот ёзилган экан: **«Ниёзов Саид, 1922 й. Мотмон қ.да т., од.ас., 1942 й. 12 сент.да ҳалок бўлган. Калинин вил. Ржев. тум. Знаменка қ.да дафн этилган».**

Во ажаб! Отам тирик-ку?! Ҳа, у киши «Паландара» ширкатига қарашли Мотмон қишлоғида туғилганлар. Саводли кишилар камлигидан тоғли қишлоқ мактабида ўқитувчи бўлганлар. Шу жойдан урушга кетганлар ва 46-йилнинг бошларида қайтганлар. Отам Берлин, Варшавани озод қилишда қатнашганлар, кўплаб жанговор орденларнинг нишондори бўлган.

Отам уч марта ярадор бўлган экан, азоблари ҳозир ҳам қийнайди. Аммо нолиганларини кўрмаганмиз. У киши урушдан қайтиб, 7 фарзанд кўрдилар. Жами 39 набира, 14 чеваралари бор. Урушдан кейин дастлаб ўқитувчиликни давом эттирганлар. Наримон қишлоқ кенгашига узоқ йиллар раислик қилганлар. Бригадир бўлганлар. Хуллас, тинч меҳнатда ҳам одамлар ҳурматини қозонганлар.

Ҳозир оиламиз билан Ошқон қишлоғида яшаяпмиз. Тоғлар сарҳадидаги туман марказидан анча узоқ қишлоқ. Шунинг учун «Бир хато тарихи ва жабри» мақоласи босилган «Ўзбекистон овози» газетасини анча кечикиб ўқиб чиқдим. 60 йилдан буён марҳумлар рўйхатида юрган Ғани бобога чин юракдан ачиндим. Ўша рўйхатда отамнинг номларини ҳам ўқиб юрагим увишиб кетди. Бу кимнинг хатоси, кимнинг лоқайдлиги, билмадим. Бу китоб тузатишсиз қолиб кетса, келажак авлодларга нотўғри маълумот қолдирамиз-ку!

■ **Ўктам НИЁЗОВ, Китоб тумани, Ошқон қишлоғи.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

БАРАКА — ҲАЛОЛЛИКДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Тадбиркорларнинг қонун доирасида фаолият юритишлари учун қатор қўшимча қулайликларни мужассам этган ушбу қарорнинг ижроси қандай бўлаяпти? Бу ҳақда Давлат божхона қўмитаси матбуот бўлими бошлиғи Абдимўмин ТИЛОВОВ қуйидагиларни гапириб берди:

— Ушбу қарор эълон қилингандан сўнг фақат июнь ойида божхоначилар томонидан 600 га яқин божхона қоидалари бузилиши ҳолати аниқланиб, қонунга зид равишда республикамизга олиб киришга уринилган 490 миллион сўмликка яқин маҳсулотлар ушлаб қолинди. Ўз навбатида бунинг сабаби нима экан, деган савол туғилади: бу бир зумда бойиб кетиш иштиёқининг устунлигими ёки тадбиркорларимизда олижаноб ва ҳалол иш юритишга ундовчи савдо маданиятининг тўла шаклланмаганлигими? Балки, кўпчилик тадбиркорларнинг юқорида эслатиб ўтилган меъёрий ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини тўла тушуниб етмаганидадир? Ана шуни ҳисобга олган ҳолда айни кунларда божхоначилар томонидан қонунсиз юкни олиб ўтишга қарши курашиш билан бирга, қонун талабларини тушунтириш борасида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги катта-катта бозорларда савдо фаолиятига алоқадор ташкилотлар раҳбарлари иштирокида товарлар импорти билан шуғулланувчи ишбилармонлар орасида тарғибот ишлари олиб бориляпти. Божхона қонун-қоидаларини тушунтирувчи махсус маслаҳатхоналар очилиб, тажрибали ходимлар томонидан ишбилармонларга зарур ёрдамлар бериб борилмоқда. Учрашувларда тадбиркорларнинг ўзлари ушбу ҳужжатнинг жуда кўп енгилликлар берганлигини таъкидлашмоқда. Тадбиркор Акмал Азимов асосан чет эллардан мебель олиб келиб, сотиш билан шуғулланади. Унинг фикрича, ушбу қарор кучга киргандан кейин биринчидан, олиб келинаётган товарлар сифатига катта эътибор қаратилаётган бўлса, иккинчидан, божхона тўловлари илгарига нисбатан 10-15 фоизга камайган. Натижада, айни пайтда бу нарх-навога ҳам ижобий таъсир қилмоқда, арзон расмийлаштирилган маҳсулотлар дўконларда арзон нархда сотилмоқда.

Демак, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорида белгиланган меъёрлар ишбилармонларнинг фаолият юритишларига кўмак берувчи яна бир омил вазифасини ўтайди. Бироқ шундай бўлса-да, айни пайтда айрим шахслар томонидан маҳсулотларни ноқонуний тарзда олиб келишлари ҳамон давом этмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бундай иш тутувчилар асосан, божхона назорати ўрнатилмаган, дала ва сўқмоқ йўллардан ўтмоқдалар. Шунинг учун ҳам Давлат божхона қўмитаси ва унинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари қошида тезкор ҳаракат қилувчи махсус гуруҳлар ташкил этилиб, улар томонидан мана шундай пана-пастқам йўллар назоратга олинди. Мисол учун тезкор гуруҳ ходимлари томонидан июнь ойининг сўнги 15 кунида айланма йўл орқали республикамизга киришга уринган 10 миллион сўмлик автомобиль эҳтиёт қисмлари, 20 миллион сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган пойабзал маҳсулотлари, 15 миллион сўмлик автомобилларнинг бутловчи қисмлари, 17 миллион сўмлик ҳеч қандай тегишли ҳужжатлари бўлмаган чет эл қандолат маҳсулотлари, шунингдек, 10 миллион сўмлик хўжалик моллари тўхтатиб қолинди.

Ноқонуний йўллар билан мўмай даромад кўраман, деган бундай хомхаёллар «бузоқнинг югургани сомонхонагача» мақолини унутишган шекилли, охирқибат кирдикорлари фош бўлиб, бор товарини қонун ҳимоячиларига топширишди.

Ўйлаб кўринг, белгиланган қонунни бузгани учун жарима тўлаб, инқирозга учраган ишбилармон қайдаю, расмий равишда фаолият юритиб, давлат томонидан белгиланган тўловларни амалга оширган ҳалол фойда кўриб, барака топган тадбиркор қайда?

ТАБИАТ БОЙЛИГИМИЗДИР

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БИРИНЧИ

Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш — она еримиз мусаффолиги учун қайғураётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Шу маънода, жаҳон узра табиатни ҳимоя қилишга интилаётган турли хил ҳаракат ва партиялар сонининг ортиб бораётганлиги қувонарлидир.

Жаҳон ёввойи табиатини асраш фонди (ЖЁТАФ) табиий бойликлардан унумли фойдаланиш ва табиий мувозанатни сақлаб қолиш борасида иш бошлаган дастлабки нодавлат ташкилотлардан биридир. 1961 йилда Питер Скотт, Люк Хофман ва Гай Монфорлар томонидан тузилган мазкур фонд бугунга келиб, табиатни ҳимоя қилиш борасида дунёнинг энг йирик ва нуфузли ташкилотларидан бирига айланди.

ЖЁТАФ ҳозир дунёнинг 28 мамлакатида ўз ваколатхоналарига эга бўлиб, 5 миллионга яқин табиат қўриқчиларини ўз сафига бирлаштирган.

Ўзининг қирқ йиллик фаолияти давомида ушбу фонд дунёнинг 130 мамлакатида табиий муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва табиат билан инсон ўртасидаги боғликликни мустаҳкамлашга оид 11 мингдан зиёд турли лойиҳаларни амалга оширди. ЖЁТАФ халқаро дастурлари доирасида Ўзбекистонда ҳам ўзининг кенг қамровли фаолиятини бошлаб юборган.

Тошкентда ЖЁТАФ болалар экологик клублари ассоциациялари ишини мувофиқлаштирувчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда «Зарафшон» давлат қўриқхонаси базасида Марказий Осиёда биринчи экологик лагер очиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

«Замин инъоми» дастури асосида амалга оширилаётган мазкур тадбирда Тошкент, Самарқанд, Жомбой шаҳарларидан келган болалар бир ҳафта давомида табиатни ўрганиш, чиқитларни йиғиш ва қўриқхона тўсиқларини таъмирлаш ишлари билан банд бўладилар.

Табиат билан яқинликни ҳис этиш мақсадида улар қўриқхона ходимлари билан биргаликда «Қизил китоб»га киритилган бухоро буғуларини парваришлаш ва озиқлантиришда ҳам қатнашадилар.

■ **Ж. ДЕҲҚОНОВ, «Жаҳон» АА,** Брюссель.



ЧИКАГО. ҚАДИМИЙ КЎПРИК.

ОРТГА ҚАЙТИШДИ

Аввал хабар берганимиздек, Германия осмонидаги самолётлар тўқнашуви натижасида ҳалок бўлганларнинг яқин қариндошлари пайшанба куни ҳалокат юз берган жойга келишди.

Уберлинген шаҳар полициясининг хабарига кўра, самолётлар тўқнашуви содир бўлган кундан бери 68 кишининг жасади топилган. Шундан 50 таси экспертиза текширувидан ўтказилди.

Экспертлар авиафожиада ҳалок бўлганларнинг қариндошлари билан суҳбатлар ўтказди ва улар сўлакларидан таҳлил учун намуналар олди. Негаки, жасадларни таниб бўлмайди. Шунинг учун чоғиштириш лозим эди.

Кеча улар ўз қариндошларининг жасадларини олиб, Бошқирдистонга қайтишди.

КУЧЛИ ТЎФОН ЯҚИНЛАШМОҚДА

Chata'an тўфони яқинда Микронезия ороллариниг «ялаб» ўтди. Натижада 39 киши ҳаётдан кўз юмди, ўнлаб кишилар дом-дараксиз йўқолди.

Орол маъмурияти вакили Гидеон Киккунинг айтишича, мамлакат ҳозир ёрдамга муҳтож, айниқса, дори-дармонга. Шунинг учун ҳам халқаро ташкилотлардан молиявий ёрдам сўрашмоқда.

Тўфон Тинч океанидаги АҚШнинг ҳарбий-денгиз базаси ва Америкага қарашли Гуам ороли ҳамда Марианск архипелаги томон силжимоқда. Унинг тезлиги соатига 110 километрни ташкил этмоқда. Тўфон яқинлашиши муносабати билан оролда турли байрам тадбирларини ўтказиш тақиқланди.

ИРОҚ НОРОЗИЛИК БИЛДИРДИ

Ироқ раҳбарияти Эрон томонидан яраш битими шартлари бузилаётгани тўғрисида БМТга норозилик мактуби йўллади.

Гап шундаки, яраш битими 1980-88 йиллардаги Эрон-Ироқ урушидан сўнг иккала томон розилиги билан тузилган эди. Бироқ маълумотларга қараганда, кейинги пайтларда битим шартлари бузилмоқда. Норозилик мактубида шу йил февралдан майгача Ироқ томонидан қайд этилган чегарадаги 41 та бузғунчилик ҳолатлари — Эрон вертолётларининг чегарани ноқонуний бузиб ўтганлиги, шунингдек, Эрон ҳарбийларининг Ироқ ҳудудига қарата ўқ отишлари тўғрисидаги ҳолатлар баён қилинган.

Эрон-Ироқ уруши якунланганига анча йиллар ўтиб кетган бўлишига қарамай бу икки давлат ўртасида бир қанча муаммолар бўйича ҳали-ҳануз келишмовчиликлар мавжуд.

КОНСУЛГА СУИҚАСД ҚИЛИНДИ

Қирғизистон ташқи ишлар вазири Бакирдин Субанбековнинг баёнотига кўра, Хитой дипломатига қилинган суиқасдда гумонланиб ушланган икки йигит Хитой ихтиёрига берилмайди. «Қирғизистон қонунчилигига кўра, суд республиканинг ўзида бўлиб ўтиши лозим. Негаки, жиноят шу ерда содир этилган» деди у.

Субанбековнинг айтишича, шубҳали икки шахс Бишкек атрофида қўлга олинган. Уларнинг ёнидан «ТТ» пистолети ва «Ф-1» гранатаси чиққан (қотиллик айнан пистолетда амалга оширилган).

Улардан бири Ёқуб Эркин бўлиб, 1975 йилда Хитойда туғилган, уйғур, «Озод Туркистон» сепаратистик ташкилотининг аъзоси. Иккинчиси эса Абдулали Эмилдир. У Хитойда амалга оширган қотиллиги учун олий жазога ҳукм қилинган, бироқ мамлакатдан қочиб кетган. Афғонистон ва Чеченистондаги жангарилар лагерида тайёргарликдан ўтган. Бишкекка шу йил февралда Алматидан келган.

Вазирнинг айтишича, Хитой консулига уюштирилган суиқасд сиёсий характер касб этмайди.

ШАХТА ОСТИДА ҚОЛДИ

Хитой полициясининг хабар беришича, Фунцзян вилоятидаги кўмир конларидан бирида йиғилиб қолган газнинг портлаши оқибатида 39 киши шахта уюми остида қолди. Қутқарувчиларнинг фикрича, уларни қутқаришнинг имкони йўқ, негаки, бундай портлашдан сўнг уларнинг тирик қолиши...

Фожиа юз беришига асосий сабаб конда ҳаво алмашинуви деярли издан чиққанлигидир. Натижада метан гази тўпланиб қолган.

Хитой конларида бундай ҳалокатлар деярли ҳар куни содир бўлади. Шу йилнинг 6 ойида 3400 га яқин шахтёр портлаш оқибатида оламдан ўтган.

ЗАРАР МИҚДОРИ

Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг берган маълумотларига кўра, мамлакат жанубидаги сув тошқини оқибатида 93 киши оламдан кўз юмган. Умумий зарар 12 миллиард 335 миллион рублни ташкил этмоқда.

303 та аҳоли пункти сув остида қолиб, 7703 та уй бутунлай вайрон бўлган. 39155 та уй эса қаттиқ шикастланган. Сув тошқинидан жабрланганларнинг умумий миқдори 321438 кишини ташкил этди.

Хавфли ҳудудлардан 101022 киши кўчириб чиқилган. Ҳозир шундан 36 мингга яқини ўз жойларига қайтди. Фожиа оқибатларини бартараф этиш, қайта тиклаш ва қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

ПЬЕР БРАНТОМ ДЕ БУРДЕЙ – ФРАНЦУЗ ЁЗУВЧИСИ. 1540 ЙИЛДА ТУҒИЛГАН, ВАФОТ ЭТГАН ЙИЛИ НОМАЪЛУМ:

♦ Дунёда гўзал аёлдан ажойиброқ бирон-бир нарса борми?!

МИГЕЛЬ ДЕ СЕРВАНТЕС СААВЕДРА – ИСПАН ЁЗУВЧИСИ. 1547 - 1616 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

♦ Улкан одамлар улкан эзгуликка қодирдирлар.

♦ Ўйламай сўзлаш – мўлжалга олмай, ўқ отишнинг ўзи.

♦ Юракдаги доғдан юздаги қизиллик афзал.

♦ Севги ҳар қандай қисматга зарба беради.

♦ Отанинг хизматлари ўғилга ёйилмайди.

ЖОРДАНО БРУНО – ИТАЛЬЯН ФАЙЛАСУФИ ВА ТАБИАТШУНОСИ. 1548 - 1600 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

♦ Менга айтадиларки, мен ўз фикрларим билан дунёни остин-устун қилиб ташлашни хоҳлар эмишман. Наҳотки, остин-устун қилинган дунёни остин-устун қилиш ёмон бўлса?

♦ Коинот бутунича марказдир. Коинотнинг маркази ҳамма жойда ва ҳамма нарсада.

♦ Чексиз ерлар, чексиз қуёшлар, чексиз тўлқинлар мавжуддирлар.

♦ Дунёлар ҳам туғиладилар ва ўладилар, шу боисдан уларнинг абадий бўлишларининг имконияти йўқ, ҳамонки, улар ўзгарар эканлар, демак, ўзлари ҳам ўзгарувчан қисмлардан ташкил топганлар.

♦ Ахир, бизнинг идрокимиз учун тушунарлилардан ўзгача мавжудотларнинг, ўзгача ақл кўринишларининг, гўё, бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблаш беақллик ва бемаънилиқдир.

♦ Кучли заҳарларда – яхши шифобахш дориворлар.

♦ Биронта ҳам нарса – у нималарки бўлиши мумкин бўлса, уларнинг барчасининг тимсоли эмас.

♦ Ким фалсафа билан шуғулланишни хоҳласа, у бошидаёқ ҳамма нарсаларга шубҳа билан қарамоғи лозим.

♦ Инсоннинг Ердаги ҳаёти уруш ҳолатидан ўзга нарса эмас! У ялқовларнинг пасткашлигини енгмоғи, сурбетчиликни жиловламоғи, ғанимлар зарбаларининг олдини олмоғи зарур.

♦ Ўрганилмаган нарсаларга таъриф бериш – ножоиз; ўзганинг ақли билан ўйлаш — паст кетмоқ; таслим бўлиш — сотқинлик, хушомадгўйлик ва инсоний ҳурликка номуносибдир; удум бўйича ишониш — беақллик; оломоннинг фикрига қўшилиш — беҳуда, худди донолларнинг сони беақлларнинг чексиз сонидан кўпроқ ёки унга тенг бўлиши ёхуд, ҳеч бўлмаганда, унга яқин келиши керакдай.

♦ Номуносиб ва разилона зафардан муносиб ва қаҳрамонона ўлим афзал.

♦ Бир юз йилликдаги ўлим барча келгуси асрларга ҳаёт бахш этади.

♦ Ерда чиройли ҳаёт кечиришни истаган одамлар бир овоздан айтадилар: «Мана мен илгарилаб кетдим ва ёлғизликда қолдим».

♦ Меҳнат билан енгиб чиқиш мумкин бўлмаган бирон-бир нарса йўқ.

♦ Санъат табиатнинг камчиликларини тўлдиради.

♦ Тошни томчининг кучи эмас, балки, ғайрати тешади.

♦ Одатда, фаҳм-фаросат етишмайдиганлар кўп нарсани, бутунлай ақлдан озганлар бўлса, ҳамма нарсани биламиз, деб ўйлайдилар.

♦ Илм-фан инсон руҳини ботир қилишнинг энг яхши йўлидир.

♦ Ҳақиқатга интилиш – ботирга муносиб ягона машғулотдир.

♦ Билишга интилаётган ирода ҳеч қачон тугалланган иш билан қаноатланмайди.

♦ Ҳақиқат ҳақиқатни инкор этмайди.

♦ Бир ҳақиқат бошқасини ойдинлаштиради.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

*Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.

■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

МИЛЛАТ ВА ТАРИХ

«ТУЗУКЛАР»ДА ДАВЛАТ МАСАЛАЛАРИ

«Темур тузуклари»да давлат масалалари тўғрисидаги тадбирлар ҳақида сўз кетар экан, Амир Темур шахси билан боғлиқ ҳолатлар ойдинлаша боради. У «мураккаб шахс эди», деган фикрга қарши ўлароқ «унинг ўзи эмас, даври мураккаб ва зиддиятли эди», деган хулоса кўз ўнгингизда бўй кўрсатади. Ана шу мураккаб даврда унинг инсон қалбига қулоқ тутгани муҳим ҳолатдир, яъни тажрибасига таяниб, кенгашнинг икки турли бўлишини, биринчиси — тил учида айтилгани, иккинчиси — юракдан чиққани эканлигини англатади. «Тил учида айтилганини шунчаки эшитардим, — дейди у. — Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим».

Подшолар учун тўғрисўз, ҳаққоний хабарнинг фойдаси кўп, чунки ёлғон давлатни емиради. Амир Темур тўғри сўз кишига ҳурмат билан қарайди:

«— қайси киши ақлга сиққан бир ишни куюниб гапирса, суйиб эшитар эдим;

— кимки оқилона гапларни эрларча кескинлик билан сўзласа, унга ҳам қулоқ солардим;

— ҳар кимдан кенгаш сўрар эдим, лекин айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши ва ёмон томонлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва савоблироғини танлаб олардим».

Юқорида кўрдикки, Амир Темур тадбирлари мухтасаргина, аммо унинг ҳар бўлаги сўзсиз бир китобга энг яхши мавзу бўла олади.

Яна шу жиҳати муҳимки, унда давлат масалалари содда, лўнда, аммо донолик билан баён этилган ва ҳар бир иш бошлашдан олдин тадбир белгилашнинг моҳияти ишонарли тарзда очиб берилган.

Амир Темур назарида салтанатни бошқаришда 12 тамойилга асосланиш керак:

Биринчиси — қонун-қоидага эътибор қаратадиган бўлсак, у ўзини ёлғиз, танҳо ҳукмрон ҳисобламайди: оламнинг яратувчисини, унинг буюклигини тан олади, элчиси динига содиқлигини ва шариатига нафақат ўз юртида, балки дунё бўйича ривож берганлигини эътироф этади;

Иккинчиси — унда ўн икки табақа ҳақида айтади ва шу тоифа ёрдамида мамлакатларни забт этиб, идора қилдим, дейди;

Учинчиси — хоҳ мамлакатларни забт этиш, хоҳ ғалабани кўзлаган бўлсин, аввало маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик, ҳушёрлик ва эҳтиёткорликка эътибор қаратади ҳамда салтанат ишларида муроса-ю мадора, мурувват ва сабр-тоқат қўл келишини айтади. Унингча, подшоҳ гоҳо кўп нарсани билиб турса ҳам билмасликка олиши керак. Чунки давлатнинг майда-чуйда ишларини кўп, улар орасида ўралашиб қолмаслик керак. Қўқон, Хива хонликлари, Бухоро амирлигида шундай салбий ҳолатлар юз берди. Амир ва хонлар бир миллатнинг фарзандлари бўлсалар-да, ягона давлат тузиб, унинг сиёсий тизимини яратиш, иқтисодини кўтариш, адолатли қонунларни ҳаётга татбиқ этиш ўрнига ўзаро зиддиятга бордилар, ҳуда-беҳуда қон тўкдилар ва жуда майдалашиб кетдилар: оқибатда «бўлинганни бўри еди». Натижада, халқ аввалига «оқ подшо» жабр-зулмига гирифтор бўлди, сўнг қизиллар «қатағони»га учради, яримта нонидан, эркидан, озодлигидан айрилди, не-не фарзандларидан жудо этилди, она тарихидан узиб қўйилди; худди тубсиз қудуққа тушиб кетганидек, бу халқ жаҳон айвонидан изсиз йўқолди, шундай бир давр келдики, ўзбек давлати мавжуд эди, шундай халқ бор эди, десалар, хорижликлар ҳайрон қолиб елка қисишарди. Аждодлари дунёда энг буюк давлатлар барпо этишиб, жаҳон сиёсат майдонида мағрур от сурган элнинг фарзандлари энди мустамлакачиларнинг бир хилдаги ҳаёт тарзини жаннат деб, озгина ёвғон шўрвасини энг аъло таом билиб, заҳарли пахта пайкаллари орасида бурни ерга тегиб эрта-кеч меҳнат қилишар, алпқомат йигитлари эса ҳарбий хизматда нуқул қора ва паст ишларда, яъни қурилиш батальонларида ёки ошоналарнинг қоронғи бурчакларида кунларини ўтказишарди. Сўзимизни мухтасар айлаб, бу бўлим юзасидан хулоса қиладиган бўлсак, булардан сабоқ шуки, миллат, халқ жабр-зулм кўрмаслиги, мустамлакачилар оёқлари остида хор-зор бўлмаслиги, ғурури, шонишавкати, ор-номуси топталмаслиги учун ўша миллат ва халқ бошида турган раҳнамолар салтанат юритиш борасида аввало қонун устуворлигига эришмас эканлар, ундай давлат фуқароси охирқибат жуда кўп азоб-уқубатларга дучор бўлади. Демак, Амир Темур ҳар бир амир, бекни ва сипоҳни ўз мартабасига яраша иззатда тутиши бежиз эмас, иккинчи жиҳати, уларнинг ўз лавозимларидан ортиғини даъво қилмасликлари давлатчилик учун муҳим шартлардан бири. Халқ «Чўпон кўпайса, қўйлар ҳаром ўлади», дейди.

Тўртинчиси — Соҳибқирон масаланинг шу жиҳатини назардан қочирмаган ҳолда тузук яратиб, давлатчилик нозик иш эканлигидан ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам огоҳ этган, давлатчиликнинг ҳар бир қон томирига эътибор бермоқ лозимлигини уқдирган.

■ **Тўлқин ҲАЙИТ**

(Давоми бор)

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 671

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22-30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

INTER-SPORT

Жаҳон чемпионатидан сўнг дунё футболи янгиликлари бозори маълум муддат ҳувиллаб қоладигандек туюлган эди. Аммо бу бозор бири-биридан ўтадиган янгилик, воқеа ва узунқулоқ гаплар билан тўлиб-тошиб кетди.

Франция футбол федерацияси терма жамоа бош мураббийи Р. Лемеррни лавозимидан бўшатиш тўғрисида қарор чиқарди. Бунга Франция терма жамоасининг жаҳон чемпионатидаги муваффақиятсиз иштироки сабаб бўлди.

✧✧✧

Футбол ассоциациялари халқаро федерацияси (ФИФА) бош котиби Мишель зен-Руффинен ўз вазифасидан кетишга истеъфо берди. Гап шундаки, бош котиб ўз раҳбари Йозеф Блаттерни молиявий найранглар қилаётганликда бир неча бор айблаган эди. Шунга қарамай, Блаттер янги муддатга қайта сайлангандан сўнг 44 ёшли зен-Руффинен истеъфога чиқишдан бошқа чора қолмади, деган қарорга келди. ФИФА бош котиблиги вазифасини вақтинчалик бошқариш швейцариялик Урс Линсига юклатилди.

✧✧✧

Жанубий Корея футбол федерацияси терма жамоанинг ҳар бир ўйинчисига 300 млн. вон (250 000 доллар)дан мукофот беришга қарор қилди.

✧✧✧



Бразилия терма жамоаси ғалабасига катта ҳисса қўшган жаҳон чемпионати қаҳрамони Рональдо ярим финалдан олдин сочини олдириб, учбурчак кокил қўйганди. Бунақа услубда соч қўйиш Бразилияда кўпайиб кетди.

Рональдо Японiядан қайтгач, кокилини олдириб ташлади. Энди у қанақа соч ўстиришни ҳозирча сир сақламоқда.

У чемпионатдан сўнг янги автомобиль сотиб олди. Яқин кунларда хотини Сони ва ўғли Роналд билан биргаликда дам олиш учун Гавай оролларига жўнаб кетмоқчи.

✧✧✧

Бразилия терма жамоасининг собиқ ҳужумчиси Зико Япония терма жамоасига бош мураббий этиб тайинланадиган бўлди. Ҳозирда 49 ёшли Зико «Касима Антлерс» жамоасини бошқармоқда. Бу жамоа тўрт марта Япония чемпиони бўлган.

✧✧✧

Бир пайтлар Голландия футболининг ёркин юлдузлари бўлган Марко ван Бастен, Рууд Гуллит ва Ф.Райкаард солиқ тўлашдан бош тортгани учун суд олдида жавоб берадиган бўлишди. Ҳуқуқшуносларнинг айтишича, бу айбнома учун ё уч йилгача озодликдан маҳрум этилади ёки бир ярим минг евро миқдорида жарима тўлашади.

■ **Internet маълумотлари асосида тайёрланди.**

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 249-мактаб томонидан 25 июнь 2001 йилда Абдуқодиров Бекзод Хусанович номига берилган O'RA №1151647 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 80-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР
39
1
5
37
26
29
76
9
17
Сони: 2
Сумма: 2250000
Чипталар рақами
20119986.2
90039335.1

2 ТУР
25
84
14
90
38
62
55
21
45
48
27
56
83
46
28
64
Сони: 2
Сумма: 2250000
Чипталар рақами
40116721.1
60022919.1

3 ТУР
65
35
47
33
59
57
12
71
49
63
69
36
8
2
Сони: 2
Сумма: 2250000
Чипталар рақами
30165319.2
90125642.3

4 ТУР
6
54
50
75
53
81
3
20
61
24
16
31
18
7
77
42
89
40
43
78
72
Сони: 1
2 хонали уй Чипта рақами
50059087.1

5 ТУР
73
Сони: 1
2 хонали уй Чипта рақами
60105628.1

6 ТУР
52
Сони: 2
Сумма: 2250000
Чипталар рақами
10052479.3
60035092.1

7 ТУР
22
Сони: 2
Сумма: 2250000
Чипталар рақами
50125927.1
70029567.1

8 ТУР
67
Сони: 2
Сумма: 2250000
Чипталар рақами
30079532.1
70105071.3

9 ТУР
19
Сони: 4
Сумма: 1125000
Чипталар рақами
10039573.2
20162485.2
80128351.3
90015314.3

10 ТУР
13
Сони: 5
Сумма: 900000
Чипталар рақами
20029628.3
30109249.1
50017495.2
80101571.2
90043215.1

11 ТУР
82
Сони: 7
Сумма: 1500

12 ТУР
34
Сони: 6
Сумма: 1300

13 ТУР
10
Сони: 8
Сумма: 1200

14 ТУР
66
Сони: 10
Сумма: 1100

15 ТУР
58
Сони: 9
Сумма: 1000

16 ТУР
79
Сони: 22
Сумма: 900

17 ТУР
41
Сони: 31
Сумма: 800

18 ТУР
85
Сони: 62
Сумма: 700

19 ТУР
70
Сони: 71
Сумма: 600

20 ТУР
23
Сони: 100
Сумма: 500

21 ТУР
74
Сони: 156
Сумма: 400

22 ТУР
4
Сони: 213
Сумма: 300

23 ТУР
88
Сони: 567
Сумма: 300

24 ТУР
68
Сони: 629
Сумма: 300

25 ТУР
11
Сони: 990
Сумма: 300

26 ТУР
80
Сони: 2031
Сумма: 300

27 ТУР
51
Сони: 2511
Сумма: 300

28 ТУР
87
Сони: 4281
Сумма: 300

Қўшимча тур
Сони: 145
Сумма: 900

Халтадан чиқмаган шарлар:
15, 30, 32, 44, 60, 86

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 18 июлдаги 81-тиражида ўйналадиган ютуқлар:

1 тур - ҳар бир ютуққа ТЕЛЕВИЗОР
2 тур - ҳар бир ютуққа ТЕЛЕВИЗОР
3 тур - 2 хонали уй Тошкент ш.
4 тур - NEXIA автомобили
5, 6, 7, 8, 9, 10 турларда - ҳар бир ютуққа ТЕЛЕВИЗОР
Ва кунгина пул ютуқлари

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00-дан кейин ютуқли чипта қўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари, ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ

БУ ЧАШМА ҚУРИМАЙДИ

Китоб шаҳри марказидаги маданият ва истироҳат боғида фольклор-этнографик жамоаларининг олтинчи анъанавий республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда айниқса, хоразмлик санъаткорлар ҳаммани лол қолдирди. Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманидаги «Шаршара» дастаси «Ҳосил байрами», Жиззах вилоят Ғаллаорол туманидаги «Гашта» дастаси миллий ўйинларни маҳорат билан намойиш қилишди. Лапар, ўлан, рақс бир-бирига уланди. Миллий либосларни айтмайсизми?

— Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб ўтказилаётган бу санъат кўриги, — дейди республика Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубият маркази раҳбари Камол Назармуҳаммедов, — миллий санъатимиз нақадар бой ва ранг-баранглигини кўрсатди. Айни пайтда мамлакатимизда 306 та фольклор-этнографик жамоалар фаолият кўрсатаяпти. Бу сафар сўз, куй танлаш, саҳна кўринишини моҳирона ижро этишда баркамоллик яққол кўзга ташланиб турди.

Дарҳақиқат, шундай. Халқ санъати бетакрор ва жозибалидир. Буни олий ўринга сазовор бўлган Хоразм вилоят Урганч шаҳар «Шодиёна», биринчи ўринни эгаллаган Қашқадарё вилоят, Қарши туманидаги «Ҳилола» дасталари жамоаси исботлашди. Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Жиззах вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасидан кўрикда иштирок этган ҳаваскорлик дасталари ҳам фахрли ўринларга сазовор бўлишди. Ғолибларни республика маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Э.Эрназаров, Қашқадарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Н.Ҳакимовлар табриклашди. Уларга диплом ва совғалар улашилди.

■ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**